



Lexico-Semantical Properties of Omonym and Alliance Words Used in Epics of Independence Periods

M. Kurbanova,
Doctor of Philosophy (PhD) in Philology,
Senior Lecturers: Z. Ibragimova,
Sh. Nuriddinova.
Uzbekistan, Fergana.

Мустақиллик Даври Достонларида Қўлланилган Омоним Ва Ўзақдош Сўзларнинг Лексик-Семантик Хусусиятлари

М.Қурбонова филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), катта ўқитувчилар:
З.Ибрагимова, Ш.Нуриддинова.
Ўзбекистан, Фергана

ABSTRACT

The given article is devoted to lingvopoetik research of the poems of the period of Independence. The Independence periods poems are analysed linguistically and literarily. The specific features of homonyms are revealed.

ARTICLE INFO

Received: 20th December 2021

Revised: 20th January 2022

Accepted: 24th February 2022

KEYWORDS

lingvopoetik, poems,
period of Independence,
analysed, linguistically,
literarily, specific,
homonyms.

Аннотация: Мазкур мақолада мустақиллик даври достонларида қўлланилган омоним ва ўзақдош сўзларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ижодкорларнинг сўз қўллаш маҳорати, омонимия ходисаси, семантик маъно имкониятлари хақида фикр юритилади.

Аннотация: Данная статья посвящена лингвопоэтическим исследованиям узбекских поэм периода Независимости. Анализируется поэмы периода Независимости с лингвистической и литературной точки зрения. Особенности омонимов показываются в данной статье.

Таянч сўз ва иборалар: Мустақиллик даври, достонлар тили, лингвопоэтика, ўзақдош, омонимлар, ўзига хослик, дунёқараш, қочирик воситаси, халқ оғзаки ижоди, лексема, маъно.

Ключевые слова и выражения: Независимость, лингвопоэтика, омонимия, особенность, неповторимость, лингвистические средства, своеобразие, устное народное творчество, семантика, многогранность, лингвистика, поэтика, индивидуальность.

Бадий асарларда учрайдиган омонимия ҳодисаси нутқ таъсирчанлигини оширишга, уни ихчамлаштиришга хизмат қилади. Омоним сўзлар маъносини тушуниш китобхон дунёқарашининг кенглиги, фикрлар теранлиги ва тиниклиги асосланади. Омоним сўзлар, асосан, халқ оғзаки ижодида, айниқса, аскияда сўз ўйини ва қочирик воситаси сифатида кенг қўлланилиб келгани ҳақида айтиб ўтишимиз мумкин. Бундан ташқари, мумтоз адабиётимиз маҳсули бўлмиш туюқлар ҳам айнан омоним сўзлар воситасида намоён бўлади. Туюқларнинг ўзига хос гўзал намуналарини ярата олган қатор классик адабиётимиз намоёндаларидан А.Навоийни, З.М.Бобур ва Лутфийларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Бизга маълумки, ўзбек ва бошқа туркий халқлар мумтоз поэзиясида кенг тарқалган туюқлар арузнинг “рамали мусаддаси мақсур” вазнида яратилиб, а – а – б – а тарзида қофияланади. Фикримизга далил сифатида Лутфийнинг ушбу туюғини келтирамиз.

*Чархи кажрафтор элидин ёзамен,
Чиқмадим ҳижрон қишидин ёзамен.
Бир мени ёрлиқ била ёд этмас ул,
Ҳар неча ул шаҳга қуллуқ ёзамен.*

Бу ерда “ёзамен” лексемасининг уч хил маънода қўлланилгани кузатилади. Ифоданинг биринчи қаторидаги “ёзамен” лексемасининг ёзмок, иккинчи қаторда эса фаслга, учинчи қаторда эса итоаткорлик каби семаларига ишора қилганлигини кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари, ҳозирги замон ўзбек шеърлятида ҳам омонимия ҳодисасининг гўзал намуналарини кўришимиз мумкин. Ушбу ишимизда мустақиллик даврида ёзилган дostonларда омоним ва ўзакдош сўзлардан фойдаланиш маҳорати ҳақида фикр юритишга жазм этдик. Мақсадимиз, мустақиллик даври дostonларида қўлланилган омоним ва ўзакдош сўзларнинг ўзига хос хусусиятларни аниқлаш ва таҳлил этишдир.

*Ҳали умр берса худованд Карим
Қанча арқонлар бор Карим дастида!
Арқонни пишитса – чойчақа ахир!
Арқонга харидор шоҳдан то фақир.*

Муҳаммад Али қаламига мансуб “Машраб” дostonидан келтирилган парчада ҳам омонимия ҳодисасини кузатамиз. Бу ерда қўлланилган омонимлар тўлиқ омонимлар бўлиб, бир сўз туркуми, яъни от сўз туркумига хосдир:

1. Карим – Худо
2. Карим – шахс оти
Биласизки, мен овчиман, овга ишқибоз,
Ҳатто улар союзининг аъзосидирман.
Айиқ, бўри, каклик, ўрдак ёки ғоз,-
Барчасининг кушандаси – қазосидирман.

Абдулла Ориповнинг “Ранжком” драматик дostonида қўлланилган ўзакдош сўзлар ва уюшиқ бўлақлар ифодада ўзига хос оҳангдорликни, изчилликни таъминлашга хизмат қилади. Бунда яна “айиқ”, “бўри”, “тулки”, “ўрдак”, “ғоз” лексемаларининг эса парранда семаларига ишора қилинганлигини ҳам айтиб ўтиш мумкин. Бу ердаги а - б – а – б қофияланиши ҳам ифодага ўзига хос жозиба бағишлаганлигини кўрамай. Ижодкор ўзакдош сўзлар ва уюшиқ бўлақларни қўллаш орқали “Ранжком” номли ташкилот аъзоларининг салбий хусусиятларини очиб беришга эришган.

Куйидаги ифодада ҳам шунга ўхшаш хусусиятлар кузатилади:

Биз маънавий ташкилотимиз – “Ранжком” миз, яъни
Ўзгаларни ранжитмоқлик бизнинг ишимиз.

Баб – баробар “сийла” гаймиз барча – барчани,

Дуч келганга қадалади ўтқир нишимиз. Ушбу ифодани таҳлил қилишда бирламчи эътиборимизни “ранжком”, “ранжитмоқлик” каби лексемаларнинг ўзаги, яъни “ранж”га қаратсак, ушбу лексема

1. *ф. т.* Кўнгилга етган озор, алам.
2. *эск.* Меҳнат, машаққат маъноларини англатади.

“Ранжида” ҳам форс тилида: кадам ранжида қилмоқ, бир ёққа ташриф буюрмоқ, буюрмоқ, келмоқ маъноларда қўлланилади.

“Ранжитмоқ” ранжимоқ *фл. орт. н.* Бировнинг кўнглини ранжитмоқ.

Навий асарлари учун қисқача луғат китобида эса ранжа:

1. меҳнат; кадам айламоқ, қийин бўлса ҳам бориб келмоқ; безовталиқ; - га қолмоқ, безовта бўлмоқ;
2. озор чекмоқ каби маънолари берилганлигини кўраимиз.

Демак, ушбу мисолларимиздан кўриниб турибдики, ижодкор ифоданинг биринчи қаторида қўллаган “*ранжком*”имиз лексемасининг ғаразгўй ёки кўнглига озор етказувчи кимсалар каби семаларига ишора қилади. Ифоданинг иккинчи қаторида қўлланилган “ранжитмоқлик” лексемасида эса озор бериш, ранжитиш, азоблаш, қийнаш каби семалари назарда тутилади. Ифодада ўринли қўлланилган “ранжком”, “ранжитмоқ” ўзақдош сўзлари ифода таъсирчанлигини оширишга хизмат қилса, яна “сийла”гаймиз, “ўткир”, “нишимиз” каби лексемалари ҳам ўз ўрнида қўлланиб ижодкор мақсадини амалга оширишда асосий восита бўлади. Омонимларни ўзига хос тарзда қўлланилишини Тўлан Низом дostonларида ҳам учратишимиз мумкин:

*Фироқингда қалам қошим, кую – кую ўтди ёшим,
Изтиробда ичу тошим, заҳар – заққум еган ошим,
Эй раҳми йўқ бағритошим, заҳар – заққум ичган ошим,
Қани қавму қариндошим, бу йўлда бўлса йўлдошим
Кўзимдин оқизиб ёшим мени йўқлар кишим борму.*

Ушбу ифодада ижодкор халқ оғзаки ижоди маҳсули бўлмиш халқ дostonларида энг кўп учрайдиган қофиядош сўзлардан ташкил топган саъж шаклидан усталиқ билан фойдаланганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, ифодада келтирилган *қошим, ёшим, тошим, ошим, бағритошим, қариндошим, йўлдошим, кишим* каби қатор лексемалар шулар жумласидандир. Бу ерда қўлланган омонимларни ҳам учратамиз. Ифоданинг биринчи қаторидаги ёшим лексемаси инсоннинг ёшига ишора қилса, охирги қаторда қўлланган ёшим лексемаси эса кўз ёш маъносини англатади. Хулоса қилиб айтганда, ушбу ифодада қўлланган қатор қофиядош сўзлар ва омонимлар дostonга оҳангдорлик ва жозибаторлик бахш этади, ижодкор мақсадини ифодаловчи муҳим восита вазифасини бажаради.

*Машраб жўнаб кетди дарё бўйидан,
Кун ҳам исир эди мисоли тандир.
Қизлар чўмилишар ховуз бўйида,
Сув сочиб ўйнади бир жону тандир.*

Бу ерда ҳам ижодкор омонимлардан унумли фойдаланади. *Мисоли тандир* бирикмасидаги тандир лексемаси кўчма маънода қўлланилиб, “куннинг ўта иссиқлигига” ишора қилса, *бир жону тандир* бирлигида эса тандир лексемаси “жисмнинг (қизларнинг) бирлигига” ишора қилади. Ушбу омонимлар ифода таъсирчанлигини таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида мустақиллик даври ёзма дostonларида омонимия ҳодисаси ва ўзақдош сўзлардан фойдаланиш камёб ҳодиса эканлигини эътироф этиш мумкин. Бироқ, шунга қарамай омонимлар бадий адабиётнинг, айнан мустақиллик даври дostonларининг муҳим омилларидан бири бўлиб, ушбу давр дostonчилигида ўзига хос муайян ифода имкониятларини намоён қила олди. Омоним ва ўзақдош сўзлардан фойдаланиш ижодкорлар учун ўз мақсадларини ифодалаш воситаси вазифасини бажарди ва ўз ўрнида тарихийликни, миллийликни, оҳангдорликни ва таъсирчанликни таъминлаш омили бўла олди. Улар асосан миллий қадриятларимиздан бири бўлмиш диний қадриятларимизга бўлган муносабатни, бирликни, инсоний фазилатларни, шахс ички ҳис-туйғуларини акс эттиришга хизмат қилди. Ушбу ҳолатлар кўпроқ Абдулла Орипов, Тўлан Низом, Ойдин Ҳожиева каби дostonнавис ижодкорларимиз ёзма дostonларида ўз аксини топган. Баъзида эса омонимларнинг киноя, кесатиқ ифодалаш воситаси сифатида берилишини ҳам учратишимиз мумкин.

Адабиётлар:

1. Виноградов В.В. О языке художественной литературы.-М.,1959.

2. Григорьев В.П. Поэтика слова.-М.,1979.
3. Каримов С.А.Узбек тилининг бадий услуби.Филол.фанлари док....дисс.автореф.-Т.,1993.
4. Хожахмедов А. Мумтоз бадият махорати.-Т.:Шарк, 1999.
5. Шомаксудов А., ...Узбек тили стилистикаси-Т.:Укитувчи, 1983.
6. Дониёров Х., ...Адабий тил ва бадий стиль.-Т.:Фан,1988.